

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилоят  
Кенгаши IX конференциясининг  
ҚАРОРИ**

2025 йил 17 июль

№ IX -1

Урганч ш.

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилоят  
Кенгашининг 2020 йилнинг июль ойидан 2025 йил июль ойигача бўлган  
даврдаги фаолияти якунлари ва навбатдаги вазифалар тўғрисида**

Ҳисобот даври мамлакатимиз ҳаётида улкан тарихий ўзгаришлар, туб ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотлар амалга оширилган даврга тўғри келди. Айниқса, сўнгги саккиз йилда жамиятимиз қиёфаси бутунлай янгиланиб, инсон манфаатларига хизмат қилувчи демократик кадриятлар қарор топа бошлади.

Шу жараёнда Давлатимиз раҳбари ташаббуслари билан қабул қилинган ва амалга оширилган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”, шунингдек “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” каби дастурий ҳужжатлар орқали иқтисодиёт, таълим, тиббиёт, ижтимоий ҳимоя ва бошқа соҳаларда туб ўзгаришларга эришилди.

2023 йил 11 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон – 2030” стратегияси эса ушбу ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида, мамлакатимиз келажак тараққиёти учун аниқ мақсад ва устувор йўналишларни белгилаб берди. Ушбу ҳужжатда жами 100 та стратегик мақсад белгиланган бўлиб, улар мамлакатимизда инклюзив ва барқарор ривожланишни таъминлашга хизмат қилади.

Мамлакатимиз касаба уюшмалари ҳаётида 2020 йил 11 ноябрда ўтказилган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг VIII Қурултойида юз берган тарихий воқелик алоҳида ўрин тутди.

Қурултой қатнашчиларига Давлат раҳбари илк бор табрик йўллаб, ушбу табрикда Қурултой ўтказилаётган сана - 11 ноябрь кунини касаба уюшмалари кунини деб белгилаш таклифини киритиши ва мазкур таклифдан келиб чиқиб, 2020 йил 23 ноябрдаги ЎРҚ-648-сонли Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ “11 ноябрь - Ўзбекистон касаба уюшмалари кунини” этиб белгиланиши касаба уюшмалари ташкилотларига ўз фаолиятларини янада кучайтиришга туртки бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, 120 йилга яқин тарихга эга бўлган касаба уюшмалари жамиятнинг муҳим ижтимоий институти сифатида ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмаган. Айниқса, сўнгги йилларда ташкилотимиз фаолияти янги босқичга кўтарилди.

Хусусан, касаба уюшмалари “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини кенг тарғиб этиш, уни ҳаётга жорий этишда фаол иштирок этиб, “Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!” шиори остида барча фуқароларни янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида бир мақсадга сафарбар этмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ташаббуси билан 2023 йил 22 сентябрь кунини Самарқанд шаҳрида Қозоғистон, Озарбайжон, Туркия ва Ўзбекистон Миллий касаба уюшма марказлари иштирокида Туркий давлатлар касаба уюшмаси ташкилотининг таъсис йиғилиши ўтказилиши, унда Ўзбекистон

касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов Ташкилотнинг биринчи президенти этиб сайланиши, ўша йилнинг ноябрь ойида Туркиянинг Анқара шаҳрида ўтказилган Ташкилотнинг 1-Конгрессида фахрий президенти этиб сайланиши Ўзбекистон касаба уюшмалари тарихи учун муҳим воқеалик бўлди.

Хисобот даврида Хоразм вилоятида ҳам салмоқли натижаларга эришилди. Сўнгги беш йилда Давлат Раҳбарининг вилоятимизга 4 маротаба ташриф буюриши ижтимоий-иқтисодий соҳаларда улкан ўзгаришларга замин яратди. Ташрифлар давомида вилоятдаги муаммоларга ечим топиш ва янги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Бунинг бир мисоли сифатида вилоятимизда 2024 йил ҳолатига ялпи ҳудудий маҳсулот 51,3 трлн. сўмни ташкил этди, 2020 йилга нисбатан бу кўрсаткич 2,2 баробарга, асосий капиталга инвестициялар 2,7 баробарга, қурилиш ишлари 3,7 баробарга, чакана товар савдо айланмаси 1,9 баробарга, хизматлар 4,6 баробарга, ташқи савдо айланмаси 1,8 баробарга ва экспорт 2,3 баробарга ошганлигини эътироф этиш жоиз.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, меҳнат муносабатларининг қонуний асосларда йўлга қўйилишини таъминлаш, ишловчиларнинг меҳнатга доир ҳуқуқларидан максимал даражада фойдаланишларига эришиши касаба уюшмалари доимий эътибор қаратиб келаётган масалалардан бири саналади.

Ўтган беш йил давомида жисмоний ва юридик шахслардан жами 527 та мурожаатлар бўлиб, шундан судларга 156 та даъво аризалари, иш берувчилар номига бажарилиши мажбурий бўлган 183 та ёзма кўрсатмалар киритилди, 67 та мурожаатлар ижобий ҳал қилинди, 26 таси мурожаат муаллифининг илтимосига кўра кўрмасдан қолдирилди, қолган 95 та мурожаатларга ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Касаба уюшмаларининг аралашуви билан ҳал бўлмаган меҳнат низолари юзасидан фуқаролик судларига киритилган даъво аризалари натижасида 240 дан ортиқ касаба уюшмаси аъзоларининг бузилган ҳуқуқлари тикланишига эришилди. Ходимлар фойдасига жами 1 млрд. 87 млн. сўмдан ортиқ пул маблағлари ундириб берилди.

Вилоят касаба уюшмалари томонидан ўтган 2020-2024 йиллар мобайнида ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикликни амалиётга татбиқ этиш ва такомиллаштириш борасида изчил чоралар кўрилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон иш берувчилар Конфедерацияси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2020-2022 йиллар учун имзоланган Бош келишув, 2023- 2025 йиллар учун имзоланган Бош жамоа келишуви асосида Хоразм вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилоят Кенгаши ҳамда Савдо-саноат палатаси Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси ўртасида вилоят меҳнаткашлари ва аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 2020-2022 йилларга тузилган Минтақавий келишувнинг 2022 йилда бажарилиши ўрганилди ҳамда 2023-2025 йиллар учун янги Ҳудудий жамоа келишув имзоланди.

Бугунги кунда вилоятда 1 та Ҳудудий жамоа келишув, 33 та Тармоқ келишуви, 7437 та Жамоа шартномалари амал қилмоқда.

Жамоа шартномавий муносабатлар механизмининг такомиллаштирилиши, жойларда жами юридик шахслардан жамоа шартномасини тузган юридик шахслар

улушини ошишига олиб келди. 2024 йилда жами юридик шахслардан жамоа шартномасини тузганлар улуши 2020 йилдаги 99,0 фоиз ўрнига 100 фоизга кўпайди.

Жамоа шартномалари тадбирларини бажариш учун вилоят бўйича ўрта ҳисобда бир ходимга сарфланган маблағ миқдорининг ўсиши 2020 йилда 2 миллион 428 минг 300 сўмдан тўғри келган бўлса, 2024 йилда ҳар бир ходимга сарфланган маблағ 6 миллион 523 минг сўмни ташкил этди.

2020-2024 йиллар мобайнида Давлат дастурлари доирасида жамоа келишувлари ва шартномалари орқали жами 23921 нафар фуқароларга 16 млрд. 527 млн. сўмдан зиёд ижтимоий кўмак чоралари кўрилди.

Вилоятда иш билан банд бўлмаган фуқароларни иш билан таъминлаш мақсадида ҳисобот даврида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси билан ҳамкорликда шаҳар ва туманларда 840 та бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилди.

Уларда 18 мингдан ортиқ иш берувчи корхона ва ташкилотлардан 269017 та бўш иш ўринлари таклиф этилди. Бўш иш ўринлари ярмаркаларида 96884 нафар иш билан банд бўлмаган фуқаролар қатнашди. 21874 нафар фуқароларга ишга жойлашиш учун йўлланма берилди.

Шартномавий муносабатлар ишловчилар манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, ҳамма жамоаларда ҳам бунинг аҳамиятини англаб етишмаяпти. Хусусан, вилоят бўйича касаба уюшма хизматига олинган 7437 та корхона, ташкилот, муассасаларнинг айримларида, яъни Агросаноат мажмуи ходимлари, Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш ходимлари, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмалари тизимидаги корхона ва ташкилотларда жамоа шартномаси шартларини тўла бажаришга совуққонлик билан ёндашаётганлик ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Бунинг оқибатида ходимлар белгиланган имтиёزلардан етарлича фойдалана олмаяпти.

Бугунги кунда корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрларининг талаблари, шунингдек жамоа шартномасида кўзда тутилган мажбуриятлар бажарилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Айниқса иш берувчиларнинг жамоа шартномалари билан белгиланган меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрлари талабларига риоя этишлари юзасидан жамоат назорати олиб борилмоқда.

Вилоят бўйича жамоа шартномалари орқали меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига беш йил давомида 62 млрд. сўмдан зиёд маблағ сарфлаш режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда сарфланган маблағлар 66 млрд. сўмдан ортиқни ташкил қилади, яъни ҳар бир ишловчига ўрта ҳисобда 44 минг сўмдан ортиқ маблағ тўғри келади.

Касаба уюшмалари томонидан ҳисобот даврида 263 та корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича 3112 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди ва уларни бартараф қилиш юзасидан тегишли тавсия ва таклифлар берилди. Касаба уюшмаларининг аралашуви ва амалий ёрдами билан 3050 та камчиликлар бартараф қилинди, 62 та камчиликлар меҳнат муҳофазасига маблағ ажратилмаслиги натижасида бажарилмасдан қолди. Бу бўйича келгусида ушбу камчиликларни бартараф қилиш юзасидан тегишли ташкилотлар раҳбарларига тақдимномалар киритилди.

Ўтган давр мобайнида, касаба уюшмасига аъзо ташкилотларида ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса оқибатида 28 та, шундан гуруҳли бахтсиз ҳодиса 3 тани

ташқил қилди. Бахтсиз ҳодисаларнинг 12 таси ўлим билан тугаган, 16 таси эса оқибати оғир бахтсиз ҳодисалардир.

Махсус текшириш комиссияси томонидан ушбу бахтсиз ҳодисаларнинг сабабчиси қилиб аксарият ҳолларда жабрланувчиларнинг ўзлари кўрсатилмоқда, бунинг оқибатида бахтсиз ҳодисани келиб чиқишига сабабчи бўлган иш берувчилар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилмай қолмоқдалар. Шунингдек, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари томонидан бахтсиз ҳодиса тўғрисида тезкор (оператив) маълумотлар юқори касаба уюшма органларига ўз вақтида берилмаслиги натижасида, иш берувчилар томонидан бу ҳодисаларни яшириш ҳолатлари кузатилмоқда.

Маълумки, амалдаги қонун талабларига кўра ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида жароҳатланган, касб касаллигига чалинган ходимларга ва бахтсиз ҳодиса оқибатида вафот қилган ходимнинг оиласига етказилган зарарни иш берувчилар томонидан қопланиши кўзда тутилган.

Бироқ, айрим иш берувчилар томонидан зарар пулларини тўламаслик ҳолатлари ҳам кўплаб учрамоқда. Касаба уюшмалар томонидан ҳисобот даврида 10 та даъво аризалари билан фуқаролик судларига мурожаат қилинди ва иш берувчилардан жабрланувчилар фойдасига 635 млн. сўмдан зиёд миқдордаги зарар пулларини ундирилишига эришилди.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат муҳофазаси бўйича ўтказилган текширишларда аниқланган камчиликлар ва ушбу камчиликларни келиб чиқишига сабабчи бўлган айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича иш берувчига берилган таклифлар кўпчилик ҳолларда қаноатлангирмасдан қолмоқда.

Касаба уюшмалари ҳам ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг маънавий дунёқарашини бойитиш, бўш вақтларини мазмунли ташқил қилиш, спорт-соғломлаштириш тадбирларига кенг жалб қилиш, тарихий шаҳарларга саёҳатлар уюштириш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш орқали жамоаларда, шу орқали оилада ва жамиятда маънавият устуворлигига муносиб улуш кўшиб келмоқда.

Хусусан, мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, турли соҳалардаги ислохотлар моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини меҳнаткашларга, айниқса, ёшлар онгига етказиш мақсадида меҳнат жамоаларида “Маърифат соатлари” ўтказилиши йўлга қўйилди. Жумладан, 2020 йилда 181305 нафар ишчи-ходимларнинг иштироқи таъминланган бўлса, 2024 йилга келиб бу кўрсаткич 208598 нафарни ташқил қилди.

Касаба уюшмалари ташкилотлари ташаббуси билан Республикаimizдаги диққатга сазовор мукаддас қадамжоларга жами 107244 нафар касаба уюшмалари аъзоларининг туристик саёҳатлари ташқил этилди. Шундан 87235 нафари ўз ҳудудимиздаги Хива шаҳрига ҳамда 20009 нафарининг Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва бошқа вилоятларга саёҳатлар уюштирилди.

Хусусан, ҳисобот даврида ходимларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказишлари, уларни маънавий озуқа олишлари, бой маданиятимиз ва тарихий меросимиз билан яқиндан таништириш мақсадида 12430 нафарининг концерт, 10613 нафарининг театр ҳамда 23468 нафарининг музей ва кўргазма залларига ташрифлари уюштирилди.

Ёшларга оид давлат сиёсати талабларидан келиб чиққан ҳолда касаба уюшмалари ҳам ёшларни қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Жамоа келишув ва шартномларига ёшлар манфаатларини ифодаловчи алоҳида бўлим киритилди. Қолаверса, Федерация тизимида ёш касаба аъзоларини ҳар

томонлама тизимли қўллаб-қувватлаш мақсадида 2017 йил августдан бошлаб Федерация ва унинг ҳудудий Кенгашларида Ёшлар бирлашмалари фаолияти йўлга қўйилди.

Ҳар йили Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилоят Кенгаши ва Ёшлар ишлари агентлиги Хоразм вилояти бошқармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Хоразм вилояти Кенгашлари ўртасида ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида кенг қўламли ишларни амалга ошириш ҳамда қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш мақсадида ўзаро ҳамкорлик меморандумлари имзоланиб келинмоқда.

Ҳамкорлик меморандумига асосан ташкилотлардаги ёш ходимларнинг ташаббус ва қизиқишларини яқиндан ўрганиш ҳамда ёш ходимларнинг раҳбарият билан тўғридан-тўғри очик мулоқотини йўлга қўйиш мақсадида “Раҳбар ва ёш ходимлар”, “Раҳбар, фаоллар ва ёшлар” мавзусида доимий равишда учрашувлар ўтказилиб келинмоқда.

Касаба уюшмалари томонидан ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ва дам олдириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинади. Ҳисобот даврида бу борадаги фаолият сифати ва самарадорлигини таъминлаш юзасидан аниқ ва тизимли ишлар амалга оширилди.

Ҳисобот даврида касаба уюшма ва ижтимоий суғурта бюджетлари ҳисобидан санаторий - курортлар хизмати учун 40 млрд. 852 млн. сўм маблағ сарфланди.

Корхона ва ташкилотларда ишлаётган 12641 нафар (9062 нафар ходим ва 3579 нафар уларнинг оила аъзолари) ходимлар касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларга амалдаги Йўриқномага асосан йўлланмалар билан таъминланди, шундан, 10961 дона йўлланма имтиёзли, 497 дона йўлланма тўлиқ қийматига, 1183 дона йўлланма бепул тарзда ажратилди.

Бу йўналишда олиб борилган ижобий ишлар билан бир қаторда айрим камчиликларга йўл қўйилди.

Жумладан, амалдаги йўриқномага асосан ходимга ижтимоий суғурта ёки касаба уюшма бюджети маблағлари ҳисобидан йўлланма олишидан қатъий назар унга икки йилда бир маротаба йўлланма берилишига қарамасдан Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси шаҳар, туман кенгашларида, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма кўмиталарида, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмасида, Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари касаба уюшмасида, “Урганчтрансгаз” унитар корхонаси касаба уюшма кўмитасида икки йил тўлмасдан ходимларга такрор йўлланмалар берилганлик ҳолатлари аниқланди.

Келажагимиз бўлган ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, уларни ёзги соғломлаштириш тадбирларига жалб қилиш, ёзги таътилларини сермазмун ва қизиқарли қилиб ўтказиш борасида ибратли ишлар амалга оширилди.

Хоразм вилоятида статистик маълумот бўйича 7-14 ёшли болалар 257 минг нафардан ортиқни ташкил қилади. Ушбу ёшдаги болаларни ёзги мавсумда дам олдириш ва соғломлаштиришни ташкил этиш мақсадида ҳар йили вилоятимизда 11 минг нафардан ортиқ болалар оромгоҳларга жалб қилинади.

2020-2024 йилларда жами 61195 нафар ўқувчи ёшлар вилоят ҳудудидаги оромгоҳларда соғломлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 ноябрда “Болаларнинг дам олишларини тизимли ташкил этиш ва соғломлаштириш ишларини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-427-сонли қарори тасдиқланди ва ушбу қарорга мувофиқ Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошида Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти ташкил этилди. Вилоятимизда департамент тасарруфига “Урганч”, Ал Хоразмий номли, “Хива Гулшани”, “Жайхун куёши” ҳамда “Хумо” болалар оромгоҳлари олинди. Ушбу оромгоҳларда ҳисобот даврида ёзги мавсумларда 3800 нафар болаларимиз дам олдирилди.

Ҳисобот даврида болаларни ёзги оромгоҳларда дам олдириш ва соғломлаштириш ишлари бўйича ижобий натижаларга эришилганига қарамасдан, бир қатор камчиликлар ҳам кузатилди. Жумладан: оромгоҳ раҳбарлари, тарбиячилар, етакчилар, ошпазлар ичида тажрибага эга бўлмаган ходимларни ишга олиш ҳолатлари учради.

Шунингдек, бугунги кунда Республикада 7-14 ёшдаги ўқувчи-ёшларни ороғоҳларга жалб қилиш қамрови 7,1 фоизни ташкил этган пайтда, вилоят бўйича бу кўрсаткич 4,6 фоизни ташкил этади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилоят Кенгаши ҳисобот даврида касаба уюшмалари ташкилотларини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, касаба уюшма ташкилотлари ва аъзолари сафини кенгайтириш, уларни мавқеини ошириш, моддий техника базасини кучайтириш, кадрлар билан ишлаш тизимини яхшилаш, уларни ўқувини ташкил этиш, намунали иш тажрибаларини оммалаштириш, касаба уюшмалари афзалликларини асослаш, ҳужжатлар билан ишлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Амалга оширилган ишлар натижасида 2020 йилда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари сони 1997 тани, касаба уюшма аъзолари сони 270830 нафарни ташкил қилган бўлса, 2024 йилда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари сони 2544 тани, касаба уюшма аъзолари сони 410847 нафарни ташкил қилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Комплекс интеграллашган ахборот тизимига 2544 та бошланғич касаба уюшма ташкилотлари, улар таркибида бўлган 2812 та цех ва 4407 та гуруҳ касаба уюшмалари, бошланғич касаба уюшма ташкилотларда тузилган 2390 та жамоа шартномалари, шунингдек 410 минг нафардан ортиқ касаба уюшма аъзолари тўғрисидаги маълумотлар касаба КИАТ дастурига киритилди.

Вилоят Кенгаши, тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашларининг вилоят ташкилотлари масъул ходимлари томонидан касаба уюшмалари қўйи ташкилотларида Устав талаблари асосида фаолиятни йўлга қўйиш, бошланғич ташкилотларда ҳужжатлар билан ишлаш, янги ташкилотларни тузишда, ходимларни касаба уюшмаларига жалб қилишда услубий ва амалий ёрдам кўрсатилишига, ўқув-семинарлар ташкил қилинишига қарамасдан айрим камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Масалан, айрим бошланғич касаба уюшма ташкилотларида иш режаларидаги масалалар қўмита йиғилишларида ўз вақтида кўриб чиқилмаяпти, қўмита йиғилишлари томонидан қабул қабул қилинган қарорларни назоратдан тушириш ишлари амалга оширилмаган.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси шаҳар, туман кенгашлари, Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси вилоят бирлашган қўмитаси томонидан бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам

кўрсатиш ишлари тўғри йўлга қўйилмаган, Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси вилоят бирлашган кўмитаси томонидан корхона, ташкилот ва муассасаларда касаба уюшма ташкилотларини тузиш, ходимларни касаба уюшмасига жалб қилиш ишлари талаб даражасида олиб борилмаган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилоят Кенгашининг ҳисоботини эшитиб ва муҳокама этиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилоят Кенгаши IX Конференцияси қарор қилади:

1. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилоят Кенгашининг 2020 йилнинг июлидан 2025 йил июлигача бўлган даврдаги фаолияти яқунлари ва навбатдаги вазифалар тўғрисида ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилоят Кенгашининг 2020 йилнинг июлидан 2025 йил июлигача бўлган даврдаги фаолияти “Қониқарли” деб топилсин.

3. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга ошириш жараёнида орттирилган тажриба ва жамоатчилик муҳокамаси натижалари асосида ишлаб чиқилган ва 2023 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон - 2030” стратегиясидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароитларни яратиш, барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш, сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш, “Хавфсиз ва тинчликсевар давлат” тамойилига асосланган сиёсатни изчил давом эттириш йўлида олиб борилаётган оқилона сиёсат тўла қўллаб-қувватлансин.

**4. Касаба уюшмалари қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилаётган ишларда фаол иштирок этишни асосий вазифалардан бири деб биладилар.**

Шу мақсадларда:

Касаба уюшма ходимларнинг ва фаолларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга кўмаклашади;

иш берувчилар билан ҳам ҳуқуқий масалалар ва Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ратификация қилинган конвенцияларини қўллаш тартиб-қоидалари бўйича ўқув-семинарлар ташкил қилиш ишларини доимий равишда ташкил қилади;

фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда касаба уюшма органлари раҳбарларининг масъулиятини оширишга қаратилган тадбирларни амалга оширади;

“Юридик клиника” ишини яхшилаш, “Ишонч телефонлари” имкониятларидан самарали фойдаланиш ишларини йўлга қўяди ва давом эттиради;

ҳуқуқий масалаларда жойларга чиқиб амалий ёрдам кўрсатади ва уни самарали бўлишига эришади;

ходимларнинг ҳуқуқий муҳофазасини яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишларни кенг тарғиб қилиш мақсадларида оммавий ахборот воситаларидан самарали фойдаланади, савол-жавоблар, давра суҳбатлари ташкил қилади.

**5. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилоят Кенгаши, унга аъзо ташкилотлар ижтимоий меҳнат муносабатлари давлат органлари, иш берувчилар ва касаба уюшмаларининг ижтимоий шериклиги,**

**томонлар манфаатларининг уйғунлиги асосида қурилишини қўллаб-қувватлаган ҳолда асосий эътиборни қуйидагиларга қаратадилар:**

ижтимоий-иқтисодий масалалар хусусида келишиб олиш мақсадида Хоразм вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилоят Кенгаши ва Савдо-саноат палатаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси ўртасида тузиладиган Ҳудудий жамоа келишувини аниқ чора-тадбирлар билан бойитиб борилишига эришиш, бажарилишини назорат қилиб бориш;

кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик соҳаларидаги, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, фермер хўжалиқларини, тўйхоналарни, ошхоналарни жамоавий муносабатлар билан қамраб олиш кўламини кенгайтириш;

қабул қилинаётган жамоа шартномаларига Бош жамоа келишуви, Ҳудудий ва Тармоқ жамоа келишувларини асосий бандларини киритилишини таъминлаш;

Ҳудудий тармоқ келишувлари, жамоа шартномаларида ходимлар, айниқса, ёшлар ва аёллар учун кўшимча имтиёз ва кафотлатлар кўламини оширилишига, ҳудудий тармоқ келишувлари ва жамоа шартномаларидаги мажбуриятлар тўлиқ бажарилишига эришиш;

корхона, ташкилот, мусасаларда халқаро меҳнат стандартларининг татбиқ қилинишида иш берувчиларга кўмаклашиш;

жамоаларга доир меҳнат низоларни ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш, меҳнат муҳофазаси, иш ҳақи ва ижтимоий ҳимоя масалаларини мувофиқлаштириб бориш ишларини амалга оширадилар.

**6. Бандликни таъминлаш, доимий иш ўринларини яратиш соҳасида касаба уюшмалари қуйидаги вазифаларни эътироф этадилар:**

давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланган аҳолини иш билан таъминлаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурини ишлаб чиқилишида ва амалга оширишда иштирок қиладилар ва кўмаклашадилар;

бўш иш ўринлари ярмаркаларини ўтказишда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси, Ўзбекистон маҳаллалар уюшмаси вилоят бошқармаси билан яқиндан ҳамкорлик қиладилар;

ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашадилар, моддий ва маънавий рағбатлантириш ишларини олиб борадилар;

янги иш ўринларини ҳақиқатда яратилганлигини мониторинг қилиб борадилар.

**7. Муносиб иш ҳақи ва аҳолини турмуш даражасини ошириш жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг муҳим шароитларидан бири эканлигини эътироф этган ҳолда вилоят Кенгаши, тармоқ касаба уюшмалари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган ва бошланғич ташкилотлар қуйидаги ишларни амалга оширадилар:**

меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни меъёрлаштиришнинг ижтимоий адолатли тизимини жорий этишга кўмаклашиб боради, Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) таркибида иш ҳақининг улушини барқарор сақлаб туришда Ҳудудий, Тармоқ жамоа келишувлари ва жамоа шартномалари имкониятларидан кенг фойдаланиш;

иш берувчилар томонидан иш ҳақининг кафолатланган энг кам миқдорига оғишмай риоя қилиниши устидан жамоат назоратини олиб бориш.

**Халқаро меҳнат стандартларини жорий этган ҳолда:**

иш берувчилар томонидан ходимларнинг ҳуқуқларига қатъий риоя этилишини таъминлаш, бунда касаначиларга, мавсумий ходимларга эътибор қаратиш;

аҳолини заиф қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича қонун ҳужжатларда кўзда тутилган чораларнинг амалга оширилишига

кўмаклашиш, бу юзадан давлат органлари, иш берувчилар, бошқа жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлик қилиш;

пенсионерлар, ногиронлар, вояга етмаганлар, ёлғиз кексалар ва фуқароларнинг ижтимоий муҳофазага муҳтож бошқа табақаларни ижтимоий ҳимоя қилиш.

**8. Касаба уюшмалари ходимларга қулай, бехатар ва зарарсиз меҳнат шароитларини яратиб бериш бўйича қуйидагиларни ўзларининг асосий вазифаларидан бири деб ҳисоблайдилар:**

ваколатли давлат органлари, иш берувчилар томонидан Халқаро Меҳнат Ташкилотининг конвенциялари ҳамда тавсиялари ва амалдаги меҳнат қонунлари, меҳнат хавфсизлиги стандартлари асосида меҳнат муҳофазасининг ташкил этиш чораларини кўрилишига эришадилар;

ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олиш, шунингдек, уларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш, давлат назорати ва текширув органлари билан биргаликда меҳнат шароитлари ва муҳофазаси, саноат ва экологик хавфсизлик аҳволини ўрганиш амалиётини кенгайтирадилар ва давом эттирадилар;

янги ташкил этилган иш ўринларида меҳнат қилаётган ходимлар, жумладан аёллар ва ёшларнинг меҳнатини муҳофаза қилишга оид ҳуқуқлари, улар учун белгиланган қўшимча кафолатлар, меҳнат ва дам олиш шароитлари таъминланиши мониторингини олиб борадилар;

бюджет ташкилотларида меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига маблағ ажратилиши, иш жойларини аттестациядан ўтказиш, тиббий кўрикдан ўтишда ходимларни чиқимдор бўлмаслик масалаларини тўла ечимини топишга ва бу масалаларни жамоа шартномаларида акс топишига эришадилар.

**9. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилоят Кенгаши жамиятда хотин-қизларнинг, ёшларнинг роли муттасил ошиб бораётганлигини қайд қилган ҳолда:**

хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишда касаба уюшмалари хотин-қизлар комиссияси, хотин-қизлар масалалари билан шуғулланувчи бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари билан манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш;

жамоа шартномаларида хотин-қизлар меҳнатини тартибга солиш, уларга қўшимча имтиёзлар берилишини назарда тутувчи бандлар кўламини кенгайтириш ва уларни амалда бажарилиши устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини олиб бориш;

хотин-қизларнинг, хусусан, хусусий, оилавий тадбиркорлик, касаначилик билан шуғулланаётган аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимоясини таъминлаш;

касаба уюшмалари сайланма органлари таркибида аёллар вакилларини кўпайтиришга қаратилган чораларни кўриш;

корхона, ташкилот ва муассасаларда ишловчи ва ўқувчи ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни касаба уюшма аъзолигига кенг жалб этиш, касаба уюшма фаоллари сафини ёшлар билан мустаҳкамлаш;

Ҳудудий жамоа келишувида, жамоа шартномаларида ёшлар учун қўшимча кафолатлар киритилишига ва бажарилишига эришиш;

барча даражадаги касаба уюшма органлари ишида ёшлар кенгашлари вакилларининг иштирокини таъминлаш;

ёшларни Ватанга садоқат, миллий ғоя руҳида тарбиялаш, улар ўртасида маданий-маърифий ва спорт тадбирларини ўтказиш, бўш вақтларини сермазмун ўтказилишини ташкил этиш;

ишга қабул қилиш учун энг кам ёшга риоя этилиши, болалар меҳнатини ёмон шакллари тақиқлаш юзасидан ишларни давом эттириш;

ёшлар вакиллари касаба уюшма органларида, комиссия, ишчи гуруҳлари таркибида бўлишини таъминлаш, касаба уюшмалари раҳбар лавозимларининг кадрлар захирасига киритиш бўйича иш кўрадилар.

**10. Касаба уюшма ташкилотлари ходимларининг маънавиятини юксалтириш, уларни оммавий тарзда спортга жалб қилишда касаба уюшмаларининг фаол иштирокини таъминланиши зарур деб ҳисоблайди ва ушбу йўналишдаги фаолият юртимизда шаклланган азалий кадриятлар, урф-одатлар, миллий маданиятимиздан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.**

**Касаба уюшма ташкилотларининг бу йўналишдаги фаолияти:**

меҳнат жамоаларида миллий ғоя тарғиботи, маънавий-маърифий ишлар, маданий-оммавий ва спорт тадбирларининг самарадорлигини ошириш, туризмни ривожлантиришда фаол иштирок қилиш ишларини давом қилдириш;

меҳнат жамоаларида “Маърифат соатлари”ни тизимли равишда давом эттириш, уларда республикамизда, вилоятимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохатлар мазмун-моҳияти тарғиботини мунтазам олиб бориш;

корхона, ташкилот, муассасаларда маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этиш орқали мустақиллигимизга, тинч, осуда ва фаровон ҳаётимизга шукроналик ҳисларини меҳнаткашлар онги ва қалбига сингдириш;

жамоа шартномаларида меҳнаткашларнинг бўш вақтларини сермазмун ташкил этиш, маданий ҳордиқ чиқаришлари ва спорт билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилиши масалаларини акс топишини таъминлаш;

туристик саёҳатларни, айниқса ички туризмни имкониятларидан кўпроқ фойдаланиш, меҳнаткашларни вилоятимиз, республикамизнинг тарихий шаҳарлари, диққатга сазовор ва муборак қадамжоларига ҳамда мустақиллик йилларида барпо этилган иншоотларига саёҳатларини уюштириш орқали ватанга муҳаббат, азалий кадриятларга садоқат ҳиссини шакллантиришга қаратилади.

**11. Касаба уюшмалари аҳолига таббий хизмат кўламини кенгайтириш, сифатини яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишларни кўллаб-қувватлайдилар ва ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришга кўмаклашадилар.**

**Фаолиятда ушбу йўналишдаги ишларни амалга оширишда асосий эътибор:**

корхона, ташкилот ва муассасаларнинг молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда жамоа келишувлари ва шартномаларига ходимларга санаторий ва дам олиш уйларига йўлланмаларни харид қилиш ёки йўлланмани қисман қийматини қоплаш учун маблағ ажратишга оид иш берувчиларнинг мажбуриятларини киритилишига;

ҳар бир бошланғич, туман ташкилотларида санаторийлар тўғрисида маълумотларни бўлишига;

йўлланмаларни аризалар асосида тайёрланган талабномаларга асосан молиявий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда берилишига қатъий риоя қилинишига;

барча поғонадаги касаба уюшма ташкилотлари касаба уюшма бюджетларида ходимларни ва уларни оила аъзоларини соғломлаштириш учун маблағ ажратилишига эришилишига;

санаторий-курорт йўлланмаларини тасдиқланган Низом ва қоидаларга тўла амал қилган ҳолда берилишини таъминлаш, 2025 йилнинг охиригача йўлланмаларнинг қисман ҳақларидан бўлган қарздорликни тугатиш, бундан кейин камчилик ва хатоларга йўл қўймаслик чораларни кўришга;

вилоятдаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олувчи болаларни сонини кўпайтирилишига, оромгоҳлар фаолиятини сифатини яхшиланишига, бу борада ҳокимият, бошқа жамоат ва хўжалик ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтиришга қаратилади.

**12. Касаба уюшма органларида молия-хўжалик фаолиятини тубдан яхшилаш, аъзолик бадалларини ундирилиши, ўтказилиши, сарфланиши устидан доимий назорат олиб бориш, молиявий ҳисоботларни сифатли тузилишини яхшилаш бўйича қўйидагиларга эътибор берилади:**

касаба уюшмасига аъзолик бадалларини ва ажратмаларни тўлиқ ва ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш, аъзолик бадалларининг тўлиқлигига алоҳида эътибор бериш, пуллик хизмат кўрсатишни яхшилаш;

молия маблағларини Устав талаблари асосида тасдиқланган сметаларга мувофиқ сарфланишини доимий назорат қилиб бориш;

касаба уюшмалари пул маблағларини ва мол-мулкни сақлаш, улардан оқилона фойдаланиш, келтирилган зарарни ўз вақтида қопланишини таъминлаш борасида тафтиш комиссияларининг фаолиятини ва таъсирчанлигини кучайтириш, масъулиятини ошириш.

**13. Барча даражадаги касаба уюшма ташкилотларига касаба уюшмаларини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, Устав, Низом талаблари асосида фаолиятни йўлга қўйилишида қўйидагилар асосий вазифа қилиб белгиланади:**

бошланғич ташкилотларнинг мавқеини оширишга қаратилган ишларни тизимли олиб борилишини давом эттириш, иқтисодиётнинг барча секторларида фаолият юритаётган корхона, ташкилот, муассасаларни тўлиқ касаба уюшмаларига жалб этиш орқали касаба аъзолари сонини кўпайтириш ишларини ниҳоясига етказиш;

ижро интизомини мустаҳкамлаш, коллегиял органлар қарорлари бажарилишини таъминлашда касаба уюшмалари раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш, уларнинг фаолиятига мунтазам равишда баҳо бериб бориш;

илғор иш тажрибаларини оммалаштириш ишларига эътиборни кучайтириш, намунали фаолият юритадиган ташкилотлар сафини кенгайтириш, таянч ташкилотлар барпо этиш ва ўқув-семинарларни ушбу ташкилотларда ўтказилишига асосий эътибор қаратиш;

Масофавий таълим портали орқали янги сайланган касаба уюшма фаолларини малакасини ошириб бориш;

туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган кўмиталар, бошланғич ташкилотлар раҳбарларини ўқитиш режасига уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган масалаларни киритилишини кўзда тутиш, корхона, ташкилот, муассаса раҳбарлари учун ҳам ўқув-семинарлар ташкил этиш;

кадрлар ўзгарувини ҳисобга олган ҳолда кадрлар захирасини қайтадан шакллантириш, уларни ўқишини ва амалиёт ўтишларини таъминлаш, захирага кўплаб ёшларни киритилишига эътибор бериш;

туман, шаҳар, бошланғич ташкилотларни янги компьютер техникалари билан таъминлаш, интернет саҳифаларига чиқиш, электрон ҳужжат алмашувини ташкил этиш ишларини давом қилдириш;

касаба уюшмаларига янги қабул қилинган цех, бошланғич ташкилотларини ҳамда уларда тузилган жамоа шартномалари ва бошқа тегишли маълумотларни мунтазам равишда касаба КИАТ дастурига кириб бориш;

амалга оширилаётган ишларни кенг тарғиб қилиш мақсадида касаба уюшмалари афзалликларини асослаш, касаба аъзолари олдида вақти-вақти билан ҳисоб бериб боришни йўлга қўйиш;

касаба уюшмалари ишини кенг тарғиб қилиш мақсадида оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш;

республика касаба уюшмаларининг жойлардаги ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга ёрдам кўрсатиш, ўзаро ҳамкорликни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб амалга ошириш.

**14. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилоят Кенгаши бир ҳафта муддатда** Конференцияда билдирилган танқидий фикр-мулоҳаза ва таклифлардан келиб чиққан ҳолда устувор йўналишларни амалга ошириш юзасидан аниқ муддатли ва манзилли чора-тадбирларни ишлаб чиқсин, Ижроия қўмита мажлисида тасдиқланишини таъминласин ҳамда ижросини мунтазам равишда назорат қилиб борсин.

**15. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилоят Кенгашининг IX Конференцияси** ишонч билан таъкидлайдики, Хоразм вилояти касаба уюшмалари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, вилоят ҳокимлигининг амалий ёрдамларига таянган ҳолда Мухтарам Президентимиз томонидан ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти куриш, эркин бозор муносабатларига ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодий ривожлантириш, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг муносиб ўрин эгаллаши, халқимиз осойишта ва фаровон ҳаёт кечирishi учун амалга оширилаётган ислохотларда касаба уюшмаларининг фаол иштирокини таъминлайдилар. Меҳнатқашларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий муҳофазасини янада яхшилашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Конференцияда раислик қилувчи

М.Рахимова